


РАЪНО  
РАҲМОНБЕРДИ ҚИЗИ

# Шквор



РАЪНО РАҲМОНБЕРДИ ҚИЗИ

# И Қ Р О Р

*(Шеърлар ва кичик ҳикоялар)*



ТОШКЕНТ  
«ИСТИҚЛОЛ»

2009

Муаллифнинг ушбу тўплами турли йилларда ёзилган шеърлар ва кичик ҳикоялардан тузилган. Сиз, унинг «Тола нур», «Кечир она Ер», «Тирилиш», «Руҳ манзаралари» шеърлар, ҳикоялар ва публицистик мақолалар тўпламлари билан танишсиз.

«Ҳар гулнинг ҳиди бошқа, ҳар дилнинг диди бошқа», деганларидек, мавзулар айтилиб битилган, ҳаёт ўша-ўша давом этаётган бўлса-да, ВАҚТ мудом сирлидир. Инсон ўзининг такрорланмас сози ва овози билан Вақтда қайта ва қайта тугилаверади.

Қўлингиздаги «Иқдор» номли китоб Вақт эврилишларининг яна бир давронда англанилишидан намуна сифатида эътиборингизга тушади, деган умиддамиз.

# СЎЛМАС ҲЕЧ ЗАМОНДА, ГУЛИМ



## ЎЗБЕКИСТОН ТИЛАГИ

Ўзбекистон хаста заминга Ҳақдин  
Соғлом авлод, тоза ҳаволар тилар.  
Инсон умри, эрки, бахтига ривож,  
Мушкулларга кушод, даволар тилар.

Неча йил кишанлар қийган тилимга,  
Туркона ўзбекиқ садолар тилар.  
Азизлар азизи Навоий бобом,  
Руҳидан руҳларга наволар тилар.

Зеро тиламақлик инсонга мерос,  
Ватанга лат еган журъатлар қайтгай.  
Йиқилса-да, фақат олға йиқилган,  
Оғам Жалолиддин сифатлар қайтгай.

Фарзандларимизга аждодлар руҳи,  
Юлдузга битилган ҳикматлар қайтгай.  
Шоҳи одил юртнинг фуқароси бой,  
Талон-тарож кетган давлатлар қайтгай.

Ўзбекистон қадим заминга Ҳақдин,  
Соғлом авлод, тоза ҳаволар тилар.  
Инсон умри, эрки, бахтига ривож,  
Мушкулларга кушод, даволар тилар.



## ОНА ЕР

Аждодлар қадами ботган Заминсан,  
Елкага зўр юклар ортган Заминсан,  
Гоҳ юмшаб, гоҳида қотган Заминсан,  
Инсонга илк алла айтган она-Ер.

Ичинг мўъжизасан, ташинг мўъжиза,  
Бирдек паноҳдирсан кучли, ожизга.  
Мислсиз саховат, севги покиза,  
Қимирлаган жонки, боққан она-Ер.

Ўнгим чап кўзимнинг кўзини ўйиб,  
Йиғласак ярангга бошларни қўйиб,  
Бир кун кетар вақти дунёдан тўйиб,  
Кечириб бағрига босган она-Ер.

Аму бўйларида кўкси яролим,  
Қорақалпоқ элим, Тўрткўл сўрорим,  
Кўҳна Хоразмдир пийрлар мозорим,  
Қайда бўлмай, қоним тортган она-Ер.

Ўзингдан бир зарра ўзингман ўзим,  
Шўрли пешанангда тузингман ўзим,  
Раъногулинг, қарздор қизингман ўзим,  
Ота Ватан, аслим ётган она-Ер...



## ОҒАМ ЖАЛОЛИДДИН

Азал манглайида синовлар азим,  
Жонида жизиллаб, куйиб Хоразм.  
Ўйларимдан чиқиб келаркан оғам,  
Пойида майсалар ўқийди назм.

Жалолиддин Мангуберди, оғажон,  
Хушрўйим, номуси юксагим.  
Гарчи тақдирингиз юз бурди ёмон,  
Шукр, ушалмади ғаним истаги.

Бугун ҳам синовлар ҳукмида қисмат,  
Умидвор жимирлар дарёда тўлқин.  
Қай бахтли келинчак туққай деб бир кун,  
Жалолиддиндек мард, Кубродай охун.

Нима бўлганда ҳам бор ҳақиқат шу,  
Бир кун Ҳаққа етгай Ватан нидоси.  
Яна дарёларим мавж уриб оққай,  
Авлодларга элтиб мардлик иншосин.

Жалолиддин Мангуберди, оғажон...



## ТУПРОҚҚАЛЪА

Ўкинчим, севинчим, қадим соғинчим,  
От сурганча фикр кенгликлариди.  
Юракнинг зарбидан ўтлар чақнатиб,  
Ошиқар Авесто чўнгликларига.

Етиб бораман ва уриламан бот,  
Наҳот қадим пойтахт — Тупроқ қалъа шу?!  
Баланд қўрғонлари йиқилиб битган,  
Балки ганимлари муродга етган.

Зардушт боғларидан чекиниб қирғоқ,  
Қуёш қозонида қайнайди тупроқ.  
Аммо уриб турган шоир юраги,  
Муқаддас «Авесто», илоҳий китоб.

Бўғизга тиқилган армонни ютиб,  
Чўлғиёҳни ўпиб, кўзларга суртиб,  
Аждодлар ёдига бағишлаб, титраб,  
Қуръони Каримдан ўқиймиз сура.

Пайғамбарми шоир, ё валий Зардушт?  
Суяк суриб, ўтиб, неча етти пушт.  
Қадим аждодларим қурган шаҳристон,  
Ўрнида қад тиклаб, навқирон Бўстон.

«Авесто» ёдига тузиб анжуман,  
Дўстлар йиғилдилар яқин йироқдан.  
Ҳоким Неъматилло, жам илми толиб,  
Минбарда оташ сўз — Абдулла Ориф.

Ким ҳикоят айтиб қадим замондан,  
Ким жўшиб шеър ўқир Омон Матжондан.  
Икки минг етти юз ёшлик «Авесто»,  
Хуш келдинг деб, ўтиб не бир даврондан.

Эгиларкан Ерга Ҳақ дея Осмон,  
Ҳақ деб кўкка ўрлар юраклар гулхан.  
Ишқда ёнмоқ балки Зардуштдан мерос,  
Демак, то қиёмат ёнмоғимиз рост...





## ТҮРТКҮЛ

Түрткүл отли бир чаман бор,  
Амударё вафодор ёр,  
Тупроғида меҳр изҳор,  
«Түртта кўл»инг қайда, гулим?

Балки «тўрт гул» тўрт гулимсан,  
Туркман, қозоқ, ўзбегимсан,  
Қорақалпоқ жон-дилимсан,  
Мақтовларинг ойда, гулим.

Тузинг ичиб томир отдим,  
Муҳаббат баҳрига ботдим,  
Юрт кездим, ўзингга қайтдим,  
Қиблам сен томонда, гулим.

Түрткүл деб от қўйган зотлар,  
Икки дунёси ободлар,  
Ки, иймон собит, авлодлар,  
Сўлмас ҳеч замонда, гулим.  
Довруғи дostonда, гулим,  
Яша омонда, Түрткўлим.



## ҚИЗИЛ ШАНБАЛИҚДАН СҮНГИ РЕПОРТАЖ...

— Бир кун Ватан учун ишлабсиз-да, ука?  
— Йўқ, менинг болам оч, хотиним касалванд.  
Ўзимни уйсизлар рўйхатига тирканг.  
— Бир кун Ватан учун ишлабсиз-да, сингил?  
— Йўқ, менда бу туйғу узоқ йиллар синган.  
— Бир кун Ватан учун ишлабсиз-да, она?  
— Ҳа, бу менинг учун виждон амри, болам.  
Ҳали Ватанимдан умидим кўп, шукр.  
— Бир кун Ватан учун ишлабсиз-да, ота?  
— Ҳа, менинг жонимга санчилади Ватан.  
Бедардлар пойида янчилади Ватан.  
Ватан келгиндининг чориғига сиғмас,  
Дарё томорқанинг ариғига сиғмас.  
Ватан чакка ўтган томларимда ҳўнграр,  
Оппоқ тонгим, қора шомларимда ҳўнграр.  
Гар отам Ватанда ватангадо кетди,  
Мен кетгум Ватанни тишларимда тишлаб...

*(1991 йил, апрель)*





Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/oz/asar/4045> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/4045> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно  
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/4045>